

**“ALYANS AUTO” MASЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТНИНГ
ХИЗМАТ ТЕКШИРУВИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМИ**

ТОШКЕНТ – 2025

1-боб. Умумий қоидалар.

1.1. Мазкур Низом “Alyans Auto” МЧЖ (*кейинги ўринларда – Жамият*) ходимлари томонидан меҳнат қонунчилиги, ички меҳнат тартиб қоидалари ва комплаенсга оид тартиб-тамойиллари бузилиши ҳолатларига нисбатан хизмат текширувини ўтказишни белгиловчи ички идоравий ҳужжат ҳисобланади.

Хизмат текшируви ходим томонидан интизомий қилмиш содир этилганлиги фактини, унинг содир этилишида ходимнинг айбини, ходим томонидан интизомий қилмиш содир этилишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни, иш берувчига етказилиши мумкин бўлган моддий зарарнинг хусусияти ва миқдорини аниқлаш мақсадида амалга ошириладиган текширишдир.

Ушбу Низом меҳнат қонунчилиги, халқаро стандартлар, жумладан ИСО 37001 стандарти асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Мазкур Низом қуйидаги мақсадларда ишлаб чиқилган:

- Компанияда хизмат текшируви ўтказишга ягона ёндашувни белгилаш;
- хизмат текшируви ўтказиш жараёни ва натижаларини ҳужжатлаштириш талабларини белгилаш;
- Компанияда қоидабузарликлар содир этиш, унга зиён етказишга олибкеладиган сабаб ва шартларни аниқлаш ва бартараф қилиш;
- Компанияда қабул қилинган ички ҳужжатлар ва назорат таомилларидаги камчиликларни аниқлаш ва келгусидаги қоидабузарликларга йўл қўймаслик мақсадида уларни бартараф қилиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш.

1.3. Хизмат текширувида иштирок этаётган Жамият ходимларига ушбу Низом билан ўрнатилган талабларга риоя қилиниши учун шахсий жавобгарлик юклатилади.

1.4. Жамиятдаги хизмат текшируви қуйидаги тамойиллар асосида ўтказилади:

- қонунийлик;
- адолатлилик;
- Жамият ходимларининг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш;
- Хизмат текшируви ўтказишда олинган ахборот ва материалларнинг конфиденциаллиги;
- Жамият ходимлари томонидан хизмат текшируви ўтказишдаги шаффофлик, ҳалоллик, коллегиаллик, бетарафлик ва холислик;
- Хизмат текшируви олиб борилаётган Жамият ходимнинг айбсизлик презумпцияси.

2-боб. Хизмат текшируви тайинлаш асослари ва тартиби.

2.1. Хизмат текшируви Жамият ходимлари томонидан меҳнат қонунчилиги, ички меҳнат тартиб қоидалари ва комплаенсга оид тартиб-тамойиллари бузилганлиги тўғрисидаги асосли маълумотлар мавжуд бўлганда тайинланади.

2.2. Бундай маълумотлар қуйидаги манбалардан келиши мумкин:

- Жамият ходимларининг ёзма ёки оғзаки шаклдаги бевосита раҳбари ёки бошқа ваколатли шахсга берган маълумоти;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг Жамиятнинг алоқа каналларига юборган хабарлари, шу жумладан, аноним хабарлар;

- ходимлар ва бошқа жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг муурожаатлари;

- оммавий ахборот воситаларидаги, шунингдек, ижтимоий тармоқлардаги маълумотлар;

- ўтказилган сўровнома, шу жумладан, ижтимоий ва статистик тадқиқотлар натижалари бўйича олинган маълумотлар;

- Комплаенс Хизмати томонидан коррупцияга қарши ички талаблар мониторинги ва уларга риоя қилиш устидан назорат натижалари;

- Давлат органлари ёки назорат қилувчи ташкилотларнинг сўровлари;

- бошқа каналлар орқали келиб тушган коррупциявий характердаги хабарлар.

2.3. Ходимлар томонидан меҳнат қонунчилиги, ички меҳнат тартиб қоидалари ва комплаенсга оид тартиб-тамойиллари бузилганлиги, содир этилиши мумкин бўлгани ёки содир этилаётганини тахмин қилишга асос борлиги аниқланса, у ҳолда масъул ходим иш берувчи номига билдирги киритилади.

2.4. Иш берувчи билдирги келиб тушган кундан бошлаб 3 (уч) иш кунда хизмат текшируви ўтказиш ёки ўтказмаслик тўғрисида қарор қабул қилади.

2.5. Иш берувчи билдиргида келтирилган ҳолатлар пора олиш-бериш ва шунга ўхшаш тезкор тадбирлар орқали далиллаштириш зарурати мавжуд бўлганда тегишли материалларни Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хизмат текшируви ўтказмасдан юбориш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим.

Юқоридаги ҳолат бўйича кейинчалик хизмат текшируви ўтказишда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилинади.

2.6. Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш билан бир вақтда иш берувчи хизмат текшируви ўтказиш бўйича Комиссия раисини тайинлайди ва унга комиссия таркибини шакллантиришни ва хизмат текширувни ўтказиш тўғрисида буйруқ лойиҳасини тайёрлаш вазифасини

топширади.

2.7. Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги буйруқда қуйидагилар кўрсатилади:

- Хизмат текшируви предмети (мавзуси);
- Хизмат текшируви ўтказилишига асос бўлган сабаб ёки вазият;
- Хизмат текшируви ўтказишга сабаб бўлган қоида бузарликни содир этишда гумонланаётган ходим (лар), у (лар)нинг Ф.И.Ш. ва лавозими (бўлинма (бошқарма, бўлим) номи) маълум бўлса;
- Хизмат текширувини ўтказиш учун маъсул бўлган комиссия таркиби;
- Хизмат текширувини ўтказиш ва натижаларни тақдим этиш муддати.

3-боб. Хизмат текшируви ўтказиш бўйича комиссия тузиш.

3.1. Хизмат текшируви ўтказиш учун иш берувчининг буйруғи билан хизматтекшируви ўтказиш бўйича комиссия тузилади (бундан буён матнда комиссия деб юритилади).

Комиссия камида уч нафар аъзодан иборат бўлиши керак, уларнинг бир нафари комиссиянинг раиси бўлади. Комиссия таркибига, қасаба уюшмаси қўмитасининг аъзоси киради.

Қоида тариқасида комиссия таркибига комплаенс хизмати, Ходимларни бошқариш дирекцияси, юридик бўлим, ички аудит бўлинмалари ҳамда лавозим мажбурияти хизмат текшируви предмети бўлган ёки шунга яқин бўлган бошқа тармоқ ходимлари киритилиши мумкин.

3.2. Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказиладиган ходим иш берувчининг хизмат текшируви ўтказиш ҳақидаги буйруғи ҳамда хизмат текшируви ўтказиш бўйича комиссия таркиби билан имзо қўйдириб таништирилиши керак.

Ходим буйруқ билан танишишдан бош тортиши, хизмат текширувини бошлашга монелик қилмайди ва ҳозир бўлган гувоҳлар кўрсатилган ҳолда далолатнома билан расмийлаштирилади.

3.3. Комиссия раиси комиссия ишини ташкил этади ва мувофиқлаштиради. Унинг ўтказиладиган хизмат текшируви доирасидаги қонуний талаблари комиссия аъзолари томонидан бажарилиши мажбурийдир. Комиссия раиси хизмат текширувини ташкил этиш, тайёрлаш ва ўтказиш сифати, унинг натижалари, хулосалари ва таклифларининг ҳолислиги учун шахсан жавобгар бўлади.

3.4. Қуйидаги ходимлар комиссия таркибига киритилмайди:

Комиссия таркибига қуйидаги шахсларнинг киритилишига йўл қўйилмайди:

- хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган мансабдор шахс;
- ҳаракатлари текширилиши зарур бўлган ходимлар бўйсунувидаги

ходимлар;

- ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим билан қариндошлик алоқаларида бўлган шахслар;

- хизмат текшируви натижаларидан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлиши мумкин бўлган шахслар, шу жумладан ходим томонидан интизомий қилмиш содир этилишига ёки интизомий қилмишнинг яширилишига дахлдор эканлиги тўғрисида асосланган гумонлар мавжуд бўлган шахслар;

- муружаати хизмат текшируви ўтказилиши учун асос бўлиб хизмат қилган шахслар;

- ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимлар.

Хизмат текширувини ўтказишга махсус билимлар соҳасида маслаҳат олиш учун шартнома асосида экспертлар сифатида мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

3.5. Комиссия раиси таркибни шакллантиришда юқорида кўрсатилган потенциал манфаатлар тўқнашуви ҳолати мавжудлиги бўйича комиссия аъзоларини текшириши шарт.

4-боб. Комиссиянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Комиссия қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимларга ёзма шаклда тушунтиришлар тақдим этишни, шунингдек хизмат текшируви масалаларининг моҳияти юзасидан бошқа ахборотни маълум қилишни таклиф этиш;

- хизмат текшируви жараёнида аниқланиши керак бўлган ҳолатлар ҳақида бирор-бир маълумотдан хабардор бўлиши мумкин бўлган ходимларга улар юзасидан ёзма тушунтиришлар беришни таклиф этиш;

- агар ходимнинг иш жойида ҳозир бўлиши хизмат текширувига ҳалақит бериши мумкин деб тахмин қилиш учун асосли сабаблар мавжуд бўлса, хизмат текшируви вақтида ходимни ишдан четлатиш тўғрисида иш берувчига таклифлар киритиш;

- хизмат текширувини ўтказиш учун муҳим бўлган ҳужжатлар билан танишиш ва зарурат бўлганда уларнинг кўчирма нусхаларини хизмат текшируви материалларига қўшиб қўйиш;

- ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим фойдаланадиган хизмат ва ишлаб чиқариш хоналарини, шу жумладан унинг иш жойини, жой участкаларини, омборларни, столларни, жавонларни, папкаларни ва махфий ахборотни ташувчи жисм мавжуд бўлиши мумкин бўлган бошқа предметлар (комания томонидан тақдим етилган компютер ва бошқа воситалар)ни иш берувчининг розилиги билан кўздан кечиришни амалга ошириш, шунингдек иш берувчидаги махфий ахборот мавжуд бўлган

барча жисмларни ҳамда уларнинг келиб тушиши ва ҳаракатланишини акс эттирувчи ҳисобга олиш ҳужжатларини (ҳисобга олиш дафтарлари ва журналларини) иш берувчининг розилиги билан текшириш;

- инвентаризация, тафтиш, аудит ўтказиш ҳақида илтимоснома киритиш;
- илмий, техникавий ва бошқа махсус билимларни талаб етадиган масалалар бўйича мутахассисларни шартнома асосида жалб этиш тўғрисида илтимоснома киритиш ҳамда улардан маслаҳат олиш.

Комиссия қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Комиссия:

- ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг ҳамда хизмат текширувида иштирок этиш учун жалб қилинган бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиши;

- хизмат текшируви материалларининг бут сақланишини ва махфийлигини таъминлаши, текширув натижалари тўғрисидаги маълумотларни ошкор этмаслиги;

- ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

- хизмат текшируви ўтказилишининг бориши ҳақида иш берувчини хабардор қилиши;

- интизомий қилмиш содир этилганлиги факти аниқланган тақдирда, ушбу интизомий қилмиш содир этилган сана ва вақтни, интизомий қилмишни содир этган ходимнинг жавобгарлиги даражаси ва хусусиятига таъсир қиладиган, унинг айбини ҳам оғирлаштирадиган, ҳам енгиллаштирадиган ҳолатларни ҳужжат билан тасдиқлаши;

- ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг шахсий, ишбилармонлик ва ахлоқий сифатларини тавсифловчи ҳужжатлар ва материалларни тўплаши;

- илгари ўтказилган хизмат текшируви материалларини, шунингдек ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим томонидан илгари содир этилган интизомий қилмиш тўғрисидаги ахборотни ўрганиши;

- ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимга ўтказилаётган текширувга бевосита алоқадор бўлган масалаларнинг моҳияти юзасидан тушунтириш беришни таклиф қилиши, у тушунтириш беришни рад этган тақдирда эса комиссия аъзолари томонидан имзоланадиган тегишли далолатнома тузиши;

- ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим томонидан интизомий қилмиш содир этилганлигига гувоҳ бўлганлар хизмат текшируви жараёнида аниқланган тақдирда, уларни сўроқ қилиши;

- хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган иш

берувчига меҳнат мажбуриятларининг аниқланган ва бартараф этилиши талаб қилинадиган бузилишлари ҳақида дарҳол хабар бериши;

- ходимнинг интизомий қилмишни содир этишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаши ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган чораларни тақлифқилиши;

- хизмат текшируви ўтказишнинг иш берувчи буйруғида ушбу Низомнинг 7.1 ва 7.2 бандларига мувофиқ белгиланган муддатига риоя этиши;

- хизмат текшируви натижалари тўғрисида далолатнома тайёрлаши ва уни ушбу Низомнинг 9.7-бандида белгиланган муддатда иш берувчига тақдим этиши;

- ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилган ходимни хизмат текширувини ўтказиш натижалари тўғрисидаги далолатнома билан имзо қўйдириб таништириши, танишиш рад этилган ёки танишганлик тўғрисида имзо қўйиш рад этилган тақдирда эса комиссия аъзолари томонидан имзоланадиган тегишли далолатнома тузиши шарт.

- Комиссиянинг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

- боб. Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.3. Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим:

- хизмат текшируви нима сабабли ўтказилаётганини билишга;

- комиссия аъзоларини рад этиш тўғрисида арз қилишга;

- хизмат текшируви масалалари бўйича ёзма тушунтиришлар беришга;

- хизмат текшируви ўтказилиши давомида илтимосномалар беришга;

- хизмат текшируви материалларига қўшиб қўйиш учун ҳужжатлар, ашёвийдалиллар тақдим этишга;

- гувоҳларни хизмат текшируви ўтказилиши давомида кейинчалик уларни сўровдан ўтказиш учун тақдим этишга;

- хизмат текшируви материаллари билан танишишга, улардан кўчирмалар, кўчирма нусхалар олишга;

- хизмат текшируви натижалари ҳақидаги далолатнома билан танишишга;

- комиссиянинг қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракацизлиги) устидан якка тартибдаги меҳнат низолари учун белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақлидир.

4.4. Ходим ўз шаъни ва кадр-қимматиغا путур етказадиган маълумотни рад этиш учун хизмат текшируви ўтказилишини талаб қилишга ҳақлидир. Хизмат текширувини ўтказиш тўғрисидаги ариза иш берувчига ёзма шаклда берилади ва у тақдим этилган кундан эътиборан 3 (уч) иш кундан кечиктирмай

кўриб чиқилади.

4.5. Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим ўзига берилган ҳуқуқлардан виждонан фойдаланиши, хизмат текшируви ўтказилишига монелик қилмаслиги, шу жумладан хизмат текширувида иштирок этишдан бўйин товламаслиги, ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар содир этиш йўли билан монелик қилмаслиги шарт.

5-боб. Комиссия аъзосини рад қилиш

5.1. Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим ушбу Низомнинг 3.5-бандида назарда тутилган асослардан бири мавжуд бўлган тақдирда комиссия аъзосини рад этиш тўғрисида ёзма шаклда арз қилишга ҳақли.

5.2. Комиссия аъзосини рад этиш асосланган бўлиши керак ва комиссия хизмат текшируви натижалари ҳақида далолатнома қабул қилгунигача қадар хизмат текширувининг ҳар қандай босқичида арз қилиниши мумкин.

5.3. Комиссия аъзосини рад этиш тўғрисидаги ариза хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган иш берувчига берилади. Рад этиш ҳақидаги аризага доир қарорни хизмат текшируви ўтказишни тайинлаган мансабдор шахс(орган) рад этиш ҳақидаги ариза берилган пайтдан эътиборан 1 (бир) иш кунидан кечиктирмай қабул қилиши керак. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай ходим ва комиссия аъзолари эътиборига етказилиши керак.

5.4. Ушбу Низомнинг 3.5-бандида назарда тутилган асослардан бири мавжуд бўлса, комиссия аъзоси дарҳол ўзини ўзи рад этиши шарт.

Ходимнинг комиссия аъзосини рад этиш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилган тақдирда ёки ушбу комиссия аъзоси ўзини ўзи рад этганда иш берувчи комиссиянинг янги аъзосини тайинлайди.

6-боб. Хизмат текширувини ўтказиш

6.1. Хизмат текширувини ўтказиш муддати 15 (ўн беш) иш кунидан ошмаслиги керак.

6.2. Хизмат текширувини ушбу ушбу Низомнинг 7.1-бандида белгиланган муддатда, объектив сабабларга кўра тугаллаш мумкин бўлмаган алоҳида ҳолларда, иш берувчи комиссиянинг асослантирилган вазлари асосида хизмат текширувини ўтказиш муддатини яна 15 (ўн беш) иш кунигача узайтиришга ҳақлидир.

6.3. Агар ходимнинг иш жойида ҳозир бўлиши хизмат текширувига ҳалақит бериши мумкин деб тахмин қилиш учун асосли сабаблар мавжуд бўлса, иш берувчи ходимни ишдан четлаштиришга ҳақли.

6.4. Ходимни ишдан четлаштириш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади ва буйруқ ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг эътиборига имзо қўйдириб етказилади. Агар ходим

уни ишдан четлаштириш тўғрисидаги буйруқ билан танишишни ёки бундай буйруққа имзо қўйишни рад этса, комиссия аъзолари тегишли далолатнома тузади.

6.5. Иш берувчи ходимнинг талабига кўра унга ишдан четлаштириш ҳақидаги буйруқнинг тасдиқланган кўчирма нусхасини у мурожаат этган кунидан эътиборан 3 (уч) кундан кечиктирмай бериши шарт. Ходимни ишдан четлаштириш муддати ушбу Низомнинг 7.1, 7.2 бандида белгиланган хизмат текширувини ўтказиш муддатидан ошиб кетмаслиги керак.

6.6. Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётганлиги сабабли ишдан четлаштирилган ходимга ишдан четлаштиришнинг бутун даври учун ўртача иш ҳақи сақланиб қолади.

7-боб. Хизмат текшируви давомида ўрганиладиган маълумотлар

7.1. Хизмат текширувини ўтказиш давомида комиссия қоидабузарликкаалоқадор бўлган маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва ҳужжатлаштириш ишларини амалга оширади, шу жумладан:

- қоидабузарлик, уни содир этиш сабаблари нимада акс этади;
- бузилган Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамиятнинг ички идоравий ҳужжатлари ҳамда комплаенсга оид талаблари;
- қоидабузарликни содир этиш вақти, жойи, усули;
- қоидабузарликни содир этишга жалб қилинган шахслар доираси (Жамият ходимлари билан бир қаторда учинчи шахслар ҳам);
- қоидабузарликнинг оғирлик даражаси;
- Компанияга етказилган моддий ва номоддий, обрў-эътибор характеридаги зарарнинг кўриниши ва кўлами;
- қоидабузарликни содир этишга алоқадор бўлиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар.

7.2. Хизмат текширувини ўтказиш давомида олинadиган маълумотлар манбаси қуйидагилар бўлиши мумкин:

- устидан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим, Жамиятнинг бошқа ходимлари, учинчи шахсларнинг ёзма ёки оғзаки тушунтиришлари;
- тасдиқловчи ҳужжатлар (ёзма ва электрон шаклда);
- интернет тармоғининг оммавий тизимида жойланган ахборот манбаларининг маълумотлари;
- аудио ёзувлар, фото- ва видео тасвирлар;
- сўров асосида давлат органлари ва ташкилотлардан олинган маълумотлар;
- қоидабузарликка алоқадор бўлган бошқа материаллар.

7.3. Юқорида санаб ўтилган барча, шу жумладан конфиденсиал

маълумотлар комиссия томонидан Жамиятда қабул қилинган барча таомилларни қўллаган ҳолда, шунингдек, Жамиятнинг ички ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ олиниши ва фойдаланилиши керак.

7.4. Жамият ходимлари ёки жалб этилган бошқа шахслар билан ўтказилган суҳбат жараёни аудио ёки видео қайд қилиниши, суҳбат тўғрисида баённома тузилиши мумкин (аудио ёки видео қайд хизмат текшируви материалларига қўшиб қўйилади).

Аудио ва видео қайдни амалга оширишдан олдин суҳбат ўтказилаётган ёкитушунтириш хати олинаётган шахсдан розилик олинади.

7.5. Устидан хизмат текшируви ўтказилаётган ёки бошқа ходимнинг суҳбат ёки тушунтириш беришдан бош тортган ҳолларда далолатнома расмийлаштирилади.

Комиссия раиси мазкур ходимни далолатнома билан танишганлигини тасдиқлаш учун унга имзо қўйиши зарурлиги тўғрисида хабардор қилади. Агар ходим ҳужжатга имзо қўйишдан бош торса, у ҳолда ишчи комиссия аъзолари иштирокида далолатнома расмийлаштирилади.

7.6. Устидан текширув ўтказилаётган ходим томонидан далолатномага (ёки бошқа ҳужжатларга) имзо қўймаслик унга нисбатан тегишли жавобгарлик чорасини қўллашдан озод қилмайди.

8-боб. Хизмат текшируви натижаларини расмийлаштириш

8.1. Хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги далолатнома тегишли қарорни қабул қилиш учун овоз берган комиссия аъзолари томонидан имзоланиши керак. Хизмат текширувининг натижалари ҳақидаги қарордан рози бўлмаган комиссия аъзоси хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги далолатномага илова қилинадиган ўзининг алоҳида фикрини ёзма шаклда баён этишга ҳақлидир.

8.2. Хизмат текшируви натижалари ҳақидаги далолатномада қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

- ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилган ходим тўғрисидаги (ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми, у бажараётган иш (эгаллаган лавозим), ушбу иш берувчидаги иш стажи, илгари содир этилган интизомий ҳуқуқбузарликлар учун интизомий жазонинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотлар);

- хизмат текширувини ўтказган комиссия таркиби тўғрисидаги;

- хизмат текширувини ўтказиш асослари ҳақидаги;

- ходим интизомий қилмиш содир этганлиги фактининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги;

- интизомий қилмиш содир этилганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳақидаги;

- ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилган ходимнинг тушунтиришларида кўрсатилган важлар тўғрисидаги;

- ходимнинг интизомий қилмиш содир этганлиги ҳолатлари ва унинг оқибатлари ҳақидаги;

- ходимнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун унинг айбдорлигини тасдиқловчи ёки истисно этувчи материаллар тўғрисидаги;

- интизомий қилмиш содир этилганлиги натижасида ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори ҳақидаги (агар шундай зарар мавжуд бўлса).

- ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг важлари тасдиқлангани ёки рад қилингани;

Хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги далолатноманинг яқунловчи қисмида хизмат текшируви натижасида комиссия келган хулосалар шакллантирилган бўлиши керак.

8.3. Ходим томонидан интизомий қилмиш содир этилганлиги факти тасдиқланган тақдирда, хизмат текшируви натижалари ҳақидаги далолатномада ходимни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида, ходим иш берувчига ҳақиқатдан тўғридан-тўғри зарар етказганлиги факти аниқланган тақдирда эса моддий жавобгарликка ҳам тортиш ҳақида иш берувчига йўлланган таклифлар, шунингдек меҳнат интизомини кучайтиришга, ходимлар томонидан интизомий қилмишлар содир этишга имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган, профилактика хусусиятига эга бўлган тавсиялар мавжуд бўлиши керак.

8.4. Агар хизмат текширувини ўтказиш натижасида ходимнинг интизомий қилмиш содир этганлиги фактининг мавжуд эмаслиги ёхуд ходимнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун айби йўққанлиги аниқланса, хизмат текширувининг натижалари тўғрисидаги далолатноманинг яқунловчи қисмида ходимга нисбатан асоссиз шубҳаланиш учун имкон берган сабаблар ёхуд ходимнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бажаришига монелик қилаётган ҳақиқий сабаблар кўрсатилиши керак.

8.5. Агар комиссия хизмат текширувини ўтказиш учун ходимнинг шаънига, кадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи нотўғри маълумотлар асос бўлганлигини аниқласа, хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги далолатноманинг яқунловчи қисмида ушбу маълумотларни рад этиш ҳақидаги тавсиялар бўлиши керак.

8.6. Агар хизмат текшируви натижалари бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик ёхуд жиноят аломатлари аниқланса, хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги далолатномада текширув материалларини тегишли давлат органларига юбориш ҳақидаги таклифлар кўрсатилади.

8.7. Хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги далолатнома комиссия тўплаган бошқа материаллар билан бирга иш берувчига комиссия мажлисида ўтказилган хизмат текшируви ҳақида қарор қабул қилинганидан кейин 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай топширилиши керак.

8.8. Хизмат текшируви далолатномаси ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилган ходимларга таништирилиб, уларнинг тегишли имзоси билан тасдиқланиши лозим.

Ходим хизмат текшируви далолатномаси билан келишмаган ёки қўшимча фикр-мулоҳазалари бўлган тақдирда, бу ҳақда баён қилишга ҳақли.

8.9. Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилган ходим хизмат текширувини ўтказиш натижалари тўғрисидаги далолатнома билан имзо қўйиб танишади, танишиш рад этган ёки танишганлик тўғрисида имзо қўйишни рад этган тақдирда эса комиссия аъзолари томонидан имзоланадиган тегишли далолатнома тузилади.

9- боб. Хизмат текширувига оид ҳужжатларни сақлаш ва улардан фойдаланиш

9.1. Хизмат текширувида иштирок этаётган Жамият ходимлари текширув давомида уларга маълум бўлган ахборотнинг конфиденциаллигини таъминлайдилар (Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно).

9.2. Ўтказилган хизмат текшируви доирасидаги маълумотлардан ваколатли фойдаланиш ҳуқуқига фақат иш берувчи, комплаенс хизмати ва комиссия аъзолари (мазкур комиссия аъзоси иштирок этган текширувлар бўйича) эга.

10.2. Ўз лавозим вазифаларини бажариш учун ўтказилган хизмат текширувлари ҳақидаги ахборотдан фойдаланиши зарур бўлган ходимлар, ушбу ахборотдан фойдаланиши учун комплаенс хизмати раҳбарининг ёзма розилигини олиши лозим.

10.3. Хизмат текширувига оид материаллар 3 (уч) иш куни ичида комиссия раиси томонидан Ходимларни бошқариш дирекциясига, шунингдек, хизмат текшируви далолатномаси нусхаси хизмат текширувлари электрон реестрини шакллантириш ҳамда Компанияда “Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш” Усулига мувофиқ йиллик амалдаги функциялар ва тартиб-таомилларнинг коррупциявий хавф-хатар даражасини (қайта) баҳолаш учун комплаенс хизматига тақдим этилади.

10.4. Комплаенс хизмати мазкур Низомнинг 2, 3-иловаларига мувофиқ шаклда ўтказилган хизмат текширувлари электрон реестрини тўлиқ тўлдирилишига масъул ҳисобланади.

10.5. Хизмат текширувига оид барча ҳужжатлар, агар бошқача тартиб Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилмаган бўлса, тасдиқланган вақтдан бошлаб 10 йил давомида сақланиши лозим.

10-боб. Хизмат текширувини ўтказишнинг алоҳида хусусиятлари.

10.1. Жамият ходимлари томонидан коррупцион хатти-ҳаракат (пора олиш, таъмагирлик қилиш ёки шу каби таклиф, ваъда бериш)лар содир этилгани тўғрисида ишончли маълумотлар келиб тушган ҳар қандай вазиятда хизмат текшируви ўтказилиши лозим.

10.2. Ходимлар томонидан коррупцион хатти-ҳаракатлар содир этилгани тўғрисида маълумотлар компаниянинг бошқа бўлимлари иш юритувига келиб тушган тақдирда, маълумот дарҳол комплаенс хизматига топширилиши керак.

10.3. Хизмат текширувини ўтказиш муддати қатъий белгилангани учун комиссия томонидан сўралган маълумотлар дарҳол, маълумотларни тўплаш қўшимча вақт талаб этган ҳолларда эса, 2 (икки) иш куни ичида тақдим этилади.

Маълумотлар масъул таркибий тармоқ (ходим)дан электрон почта орқали сўраб олинishi мумкин.

Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, мазкур бандда кўрсатилган ваколат ёзма мурожаатиз амалга оширилишига рухсат этилади.

10.4. Комиссияга маълумот тақдим этмаслик, асоссиз чўзиш ёки била туриб нотўғри маълумот тақдим этиш, тушунтириш ва изоҳ бермаслик, комиссия фаолиятига аралашish, унинг аъзоларига юклатилган вазифа ва ваколатларни бажаришга тўсқинлик қилиш мақсадида ҳар қандай шаклда таъсир кўрсатиш тақиқланади ҳамда тегишли жавобгарликка олиб келади.

10.5. Хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги далолатнома комиссия томонидан имзоланган кун хизмат текшируви натижалари бўйича аниқланган интизомий қилмиш аниқланган кун деб ҳисобланади.

11-боб. Кафолат ва рағбатлантиришлар.

11.1. Жамият ходими ва бошқа шахслар хизмат текшируви ўтказиш, меҳнат қонунчилиги, ички меҳнат тартиб қоидалари ва комплаенсга оид тартиб- таъомиллари бузилганлиги ҳақида мурожаат қилиши муносабати билан Жамият томонидан таъқиб қилинмайди, камситишга йўл қўйилмайди.

Шундай ҳолатлар кузатилган ёки хабарлар келиб тушган тақдирда дарҳол зарур чоралар кўради.

Шунингдек, мурожаати хизмат текшируви ўтказилишига сабаб бўлган шахснинг илтимосига кўра, унинг шахси очиқланмаслиги кафолатланади.

11.2. Комиссия мурожаати (билдирги, хизмати хати) коррупцияга оид қонунбузилиши ва шундай хатти-ҳаракатлар бартараф этилишига сабаб бўлган ходимларни компаниянинг “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш” Сиёсати талабларига мувофиқ рағбатлантириш юзасидан таклифлар киритиши мумкин.

12-боб. Яқуний қоидалар.

12.1. Ўтказилган хизмат текширувлари комплаенс хизмати томонидан ҳар ярим йил яқуни бўйича, навбатдаги ойнинг йигирманчи кунига қадар умумлаштирилиб, таҳлилий маълумот тайёрланади ва тегишли таклифлар киритилади.

12.2. Ўтказилган текширувларнинг, шунингдек улардан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органларига юборилгани бўйича мазкур Низом иловаси билан тасдиқланган реестр юритилади.

Реестр замонавий ахборот технологиялари ва дастурий таъминот воситаларида электрон тарзда юритилиши мумкин.

Иловалар.

1-илова: хизмат текшируви натижаси ҳақидаги далолатнома намунаси;

2-илова: ўтказилган хизмат текширувлари ҳисобга олиш реестри.

3-илова: хизмат текшируви натижасида тўпланган ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органларга юборилишини ҳисобга олиш реестри.

“Хизмат текшируви ўтказиш
тартибитўғрисида”ги Низомга
илова

1-

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Хизмат текшируви
ўтказилиши бўйича
Комиссия раиси**

202__-йил “____” _____

Хизмат текшируви далолатномаси

“____”202____-йил

Тошкент шаҳри

АНИҚЛАНДИ:

(Баён қисми)

Аниқланган ҳолатларнинг баёни ва олинган тушунтириш хатлари мазмуни ёзилади. (олинган тушунтириш хатлари 3-шахс номидан тўлиқ акс этирилиши мақсадга мувофиқ)

(Асослантирувчи қисм)

Аниқланган ҳолатлар қайси ҳужжат ва маълумотлар, шунингдек алоқадор шахсларнинг тушунтиришлари билан бирга ёзилади.

Ушбу қисмда комиссия ҳолатнинг юзага келиш сабаблари, бунда айбдор бўлган шахслар, улар қайси қонун ва компаниянинг локал ҳужжатлари талабларини бузганлиги қайд этилади.

Юқоридагиларга асосан,

1. Мазкур далолатномада ошкор этилиши мумкин бўлмаган ички маълумотлар мавжуд бўлиб, уларни бегона шахсларга ошкор этиш, айбдорларнинг тегишли жавобгарлигини келтириб чиқариши маълумот учун қабул қилинсин.

Комиссия аъзолари:

Лавозими:	Имзо	Ф.И.Ш.
Лавозими:	Имзо	Ф.И.Ш.
Лавозими:	Имзо	Ф.И.Ш.
Касаба уюшмаси қўмитаси аъзоси	Имзо	Ф.И.Ш.
Комиссия раиси:	Имзо	Ф.И.Ш.

“Хизмат текшируви далолатномаси билан танишдим”:

Ф.И.Ш.

(имзо)

Ф.И.Ш.

(имзо)

Ф.И.Ш.

(имзо)

Ф.И.Ш.

(имзо)

Ф.И.Ш.

(имзо)

«Хизмат текшируви ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомга
2- илова

Ўтказилган хизмат текширувларини ҳисобга олиш реестри намунаси

т/р	Хизмат текшируви ўтказиш буйруғи санаси ва рақами	Ахборот келиб тушган манба	Комиссия таркиби	Хизмат текшируви ўтказилган давр ва далолатнома тузилган сана	Текширув натижаларининг қисқача баёни	Аниқланган хато ва камчилик (зарар)лар миқдори (млн.сўмда)				Аниқланган анайбдор шахслар рўйхати	Текширув натижалари бўйича тасдиқланган чоралар	Масъул шахслар ва ижро муддати	Амалда бажарилгани ҳақида белги
						Аниқланган зарар миқдори	Ундирилиши лозим бўлган зарар Миқдори	Ундирилган зарар миқдори	Қолдиқда гизарар миқдори				
1													

Жадвални тўлдирган ходим лавозими

имзо

Ф.И.Ш.

Раҳбар ходим лавозими

имзо

Ф.И.Ш.

«Хизмат текшируви ўтказиш
тартиби тўғрисида»ги Низомга
2-илова

Ўтказилган хизмат текширувида тўпланган ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органларга юборилишини
ҳисобга олиш реестри намунаси

т/р	Текшириш ўтказиш ҳақидаги буйруқ санаси ва рақами	Ахбороткелиб тушган манба	Текшириш ўтказилган давр ва далолатнома тузилган сана	Текширув натижаларининг қисқача баёни	Аниқланган хато-камчиликлар (зарар) миқдори (млн.сўмда)	Ундирилиши лозим бўлган зарар миқдори(млн.сўмда)	Тўпланган ҳужжатларқайси орган/ташкилотга юборилган (сана ва бошқа маълумотлар)	Ваколатли давлат органлари томонидан кўрилган чораларнинг қисқача баёни (суд ва ХМҚО)	Етказилган зарар қопланиши ҳақида маълумот (млн.сўмда)		
									Тадбир жараёнида қопланган	Суд ва ХМҚО иш юритувидан қопланган	Қолдиқ
1											
2											

Жадвални тўлдирган ходим лавозимиимзоФ.И.Ш.

Раҳбар ходим лавозимиимзоФ.И.Ш.